

А Ж Р И М

(ярашганлик муносабати билан жиноят ишини тугатиш тўғрисида)

2024 йил 9 сентябрь куни, Тошкент шаҳар жиноят ишлар бўйича Учтепа туман суди, Учтепа туман “Катта Чўпонота” МФЙ биносида, очиқ сайёр суд мажлисида, туман судининг судьяси Ж.Одиловнинг раислигида, судья ёрдамчиси Д.Исомиддинованинг котиблигида, туман прокурорининг катта ёрдамчиси Б.Ақромов, гумон қилинувчи ХХХ, жабрланувчи ХХХнинг иштирокида,

1977 йил август ойининг 11 кунида Тошкент шаҳрида туғилган, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, миллати ўзбек, маълумоти олий, оилали, 3 нафар вояга етмаган фарзандлари бор, муқаддам судланмаган, вақтинча ишсиз, Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, Хондамир 5 тор, 28-уйда яшовчи, ХХХ га

нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖК 109-моддасининг 2-қисми билан юритилган 1-1007-2403/561-сонли жиноят ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Дастлабки тергов органи томонидан аниқланган ҳолатларга кўра, ХХХ 2024 йил 09 июнь куни соат 21:30да Учтепа тумани Лочин кўчаси 127-уй яқинида бўла туриб, шу ерда бўлган таниши ХХХ билан ўзаро келишмовчилик натижасида жанжаллашиб, ХХХнинг бош қисмига уриб, унга тан жароҳати етказган.

Судга оид тиббиёт экспертизасининг 2024 йил 5 июлдаги №726-Қ-Кур-сонли хулосасига кўра ХХХга, оғирлик даражасига кўра ЕНГИЛ даражадаги тан жароҳати етказилганлиги аниқланган.

Гумон қилинувчи ХХХ суд мажлисида, жабрланувчи ХХХнинг ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, айбига тўлиқ иқрорлиги, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, содир этган қилмишнинг оқибатларини англаганлиги, жабрланувчига етказилган зарарни қоплаганлигини билдириб, ишни ярашувга асосан тугатишни сўраб, бу ҳақда ариза тақдим этди.

Жабрланувчи ХХХ суд мажлисида, иш бўйича ҳақиқатдан ҳам ярашганлиги, бу борадаги аризани ўзининг ихтиёри билан тақдим қилганлиги, етказилган моддий зарар тўлиқ қопланганлиги, бу борада бирон-бир тазйик бўлмаганлиги, ярашув суд томонидан тасдиқлангандан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунганлигини билдириб, ҳозирги вақтда ХХХга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги сабабли, жиноят ишини ҳаракатдан тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ, ЖК 109-моддасининг 2-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни



бартараф этса, ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

Суд, жабрланувчи XXX ва гумон қилинувчи XXXнинг ярашув тўғрисидаги аризаларини жиноят иш хужжатлари билан ўрганиб, прокурорнинг фикрини тинглаб, томонлар ярашганликлари, жабрланувчи судга бу ҳақида ихтиёрий равишда ариза тақдим қилганлиги, жабрланувчига етказилган зарар тўлиқ қопланганлиги, гумон қилинувчининг айбига тўлиқ иқрорлиги, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини инобатга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси ЖПК 84-моддасининг 4-қисми ва ЖКнинг 66¹-моддасига асосан, унинг айблилик ҳақидаги масалани ҳал қилмасдан туриб тугатишни лозим топади.

Юқоридагиларга асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисми, 585-586-моддаларига амал қилиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Ўзбекистон Республикаси ЖК 109-моддасининг 2-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда гумон қилинувчи тариқасида жалб этилган XXXга нисбатан юритилган жиноят иши Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасига асосан тарафларнинг ярашганлиги муносабати билан тугатилсин.

Жабрланувчи XXX мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотганлиги тушунтирилсин.

Ажримдан норози томон ўн кунлик муддат ичида апелляция тартибида, қонуний кучга киргандан сўнг эса кассация тартибида Тошкент шаҳар судига шикоят бериши ёки протест билдириши мумкин.

Раислик қилувчи

Ж.Одилов

